

2024-йилда маиший электроникада жаҳон пластик бозори ҳажми 6,52 миллиард долларни ташкил этди.

// 06.02.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/2024-yilda-maishiy-elektronikada-zhahon-plastik-bozori-hazhm>



2024-йилга бориб ушбу кўрсаткич йилига ўртача 3,8 фоизга ўсиб, 9,5 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда. Бундай ўсиш кенг турдаги электрон қурилмаларини ишлаб чиқаришда замонавий, енгил ва мустаҳкам пластик материалларга бўлган талабнинг ортиб бораётгани билан изоҳланмоқда. Бу ҳақда Precedence Research таҳлилий компанияси маълум қилди.

Ўтган 2024-йилда бўлгани каби Хитой, Япония, Жанубий Корея ва Ҳиндистонда электроника ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланаётган тармоқлари туфайли Осиё-Тинч океани минтақаси бу борада етакчиликни давом эттиради.

Осиё-Тинч океани минтақаси арзон ишчи кучи, технологик етакчилик ва ишлаб чиқариш гигантларига эга бўлган муҳим электроника ишлаб чиқарувчиси бўлиб қолмоқда. Бунда Хитой асосий ўринни эгаллайди, чунки у дунёдаги энг йирик етказиб берувчи ҳисобланади.

Шимолий Америкада технологиянинг ривожланиши ва тиббиёт буюмлари, автомобиллар ва маиший электроника каби маҳсулотларда электроникадан фойдаланиш тенденцияси туфайли ушбу бозор энг тез суръатлар билан ўсиши кутилмоқда.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати